

Муминова Элнорахон Абдукаримовна,
Фарғона политехника институти Иқтисодиёт
кафедраси мудири

ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МЕХАНИЗМИ СИФАТИДА

УЎК: 338.23

DOI: 10.34920/EIF/VOL_2023_ISSUE_1_3

МУМИНОВА Э.А. ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МЕХАНИЗМИ СИФАТИДА

Мақолада яшил иқтисодиётга ўтишнинг зарурати ва аҳамияти, яшил иқтисодиётни тузилиши ва унинг муҳим хусусиятлари, мамлакатларни ривожлантиришда, иқтисодий ўсишни барқарорлигини таъминлашдаги аҳамияти ёритилган. Қайта тикланадиган энергия манбаларини ишлаб чиқариш угле-род чиқиндиларини камайтириш, энергия тежамкорлигини таъминлаш масалаларига атрофлича тўхталиб ўтилган.

Саноат тармоқларида “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва энергия тежамкорлигини таъминлашда иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг энергия сиғимлиги таҳлил қилинган. Минтақалар миқёсида аҳоли жон бошига истеъмол қилинаётган энергия сарфи маълумотлари, углеводород оксиди CO₂ нинг атмосферага чиқарилиши бўйича ривожланган мамлакатларнинг рейтинглари кўриб чиқилган. Ўзбекистонда CO₂ эмиссиясини тартибга солиши бўйича йўналишлар келтирилган.

Калит сўзлар: яшил иқтисодиёт, углеводород оксиди, энергия тежамкорлиги, энергия зичлиги, экологик ўзгаришлар, иқлим ўзгариши, яшил молиялаш.

МУМИНОВА Э.А. ЗЕЛЕНАЯ ЭКОНОМИКА КАК МЕХАНИЗМ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ

В статье описаны необходимость и сущность перехода к зеленой экономике, структура зеленой экономики, ее важные черты, а также ее значение в развитии стран и в обеспечении устойчивого экономического роста. Обстоятельно обсуждается производство возобновляемых источников энергии, сокращение выбросов углерода и обеспечение энергоэффективности.

Проанализирована энергоёмкость экономически развитых стран с точки зрения перехода к «зеленой» экономике и энергосбережения в промышленных отраслях. Рассмотрены данные по потреблению энергии на душу населения в масштабе регионов, рейтинг развитых стран по выбросам углекислого газа CO₂ в атмосферу. Даны рекомендации по регулированию выбросов CO₂ в Узбекистане.

Ключевые слова: зеленая экономика, энергоэффективность, окиси углерода, плотность энергии, экологические изменения, изменение климата, зеленые финансы.

MUMINOVA E.A. GREEN ECONOMY AS A MECHANISM OF SUSTAINABLE DEVELOPMENT

In the article is described the need and importance of the transition to a green economy, the structure of the green economy and its important features, its importance in the development of countries and in ensuring the stability of economic growth. The production of renewable energy sources, reducing carbon emissions, and ensuring energy efficiency are discussed in detail.

The energy intensity of economically developed countries was analyzed in terms of transition to «green» economy and energy saving in industrial sectors. Data on energy consumption per capita on the scale of regions, the rating of developed countries on the release of carbon dioxide SO₂ into the atmosphere were considered. guidelines for regulating SO₂ emissions in Uzbekistan are given.

Key words: green economy, carbon monoxide, energy efficiency, energy density, environmental change, climate change, green finance.

Кириш.

Жаҳон амалиётида ҳудудларни барқарор ривожлантириш, уларнинг иқтисодий ҳамда экологик тизимларини ўзаро самарали уйғунлигида ўрганишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, мамлакатлар ривожланиши бевосита ҳудудлар барқарорлигига боғлиқ бўлиб, мазкур масаланинг ижобий жиҳатлари инновацион иқтисодиётни кенгайтириш асосида ресурслардан оқилона ҳамда самарали фойдаланишни ўз ичига қамраб олмақда. Жумладан, иқтисодиётда ишлаб чиқариш фаолиятини тўғри ташкил қилиш, соҳа давомийлиги ва ўсишини таъминлаш ресурслар мавжудлигига боғлиқ. Бу эса, ҳудудларнинг барқарорлигини таъминлашда иқтисодий ва экологик тизимларнинг уйғунлигини таъминлашга қаратилган бошқарув қарорларининг самарали амал қилиши билан боғлиқдир.

Қайта тикланадиган энергия манбаларини ишлаб чиқариш углерод чиқиндиларини камайтириш CO₂, яшил технологияли иссиқхоналарни кўпайтириш, яшил технологиялар асосида сувни қайта ишлаб чиқиш ва етказиб бериш, “яшил” транспорт воситалари, автомобилларни электрлаштириш, “яшил” уй хўжаликлари, шаҳарларда тоза экологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалигида экологик тоза, органик озиқ-овқатларни ишлаб чиқариш бугунги кунда муҳим ҳисобланади.

“Яшил” иқтисодиётни шакллантириш ва унинг барқарор ривожланишига ўтиш глобал даражада ҳам, Ўзбекистон учун ҳам устувор вазифалардандир. Барқарор ривожланиш концепцияси инсоният келажаги учун муҳим манба бўлиб, у БМТнинг қарор ва ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Барқарор ривожланишнинг иқтисодий-экологик асоси, бу “яшил” иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантиришдан иборатдир. Ҳозирги беқарор тенденцияларни бартараф этиш учун 2015 йилда БМТнинг 2030 йилгача бўлган давр учун 17 та “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш мақсадларининг ўзига хос мезонлари аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-436-сон қарори билан “Ўзбекистон яшил иқтисодиётга

ўтиш мақсадлари белгиланди¹. Мазкур Қарорга кўра 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси доирасида «яшил» ва инклюзив иқтисодий ўсишни таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ҳамда иқтисодиётнинг барча тармоқларида ресурсларни тежашни янада кенгайтириш борасида аниқ мақсадлар белгиланган бўлиб, “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида «яшил» иқтисодиётга ўтиш ва «яшил» ўсишни таъминлаш” дастури қабул қилинди. Шунингдек, иссиқхона газларини ЯИМга нисбатан аввалги йиллардаги даражага нисбатан 35 фоизга қисқартириш, қайта тикланувчи энергия манбаларининг ишлаб чиқариш қувватини 15 ГВтга ошириш, иқтисодиётнинг барча тармоқларида сувдан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш мақсад этиб белгиланди. 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва «яшил» ўсишни таъминлаш бўйича 2030 йилга қадар Ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган энергия ҳажмини 30 фоизга камайтириш (2021 йилга нисбатан), Саноатда электр энергияси истеъмоли, умумий истеъмолдаги улушини 20 фоизга камайтириш, Қайта тикланувчи энергия манбаларининг электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улушини 30,5 фоизга кенгайтириш (*гидроэнергетика билан бирга*), «Яшил макон» лойиҳаси доирасида шаҳарлардаги яшил майдонларни 30 фоизга кенгайтириш (*аҳоли пунктининг умумий майдонига нисбатан*) кўрсаткичлари белгиланди.

Илмий муммони қўйилиши.

Мақолада яшил иқтисодиётнинг зарурати, унинг хусусиятлари, саноат тармоқларида “яшил” иқтисодиётга ўтиш, энергия тежмкорлигини таъминлаш масалаларига қаратилган. Мазкур йўналишда тадқиқотлар ўтказиш доирасида аввалги амалга оширилган қатор илмий изланишлар натижалари ўрганиб чиқилди.

Жумладан М.А. Гурьева ўзининг тадқиқотларида “Яшил” иқтисодиётни ривожлан-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрь, ПҚ-436-сон “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори. - <https://lex.uz/uz/docs/6303230#6305281>

1- расм “Яшил” иқтисодиётнинг тузилиши.



тиршда бир қатор муаммоларни келтириб, уларнинг ечимлари сифатида атроф – муҳитга салбий таъсир кўрсатганлик учун жарималарни жорий этиш; захарли моддаларни чиқаришни камайтириш; атроф-муҳитга етказилган зарарни тиклаш амалиётини жорий этиш зарурлигини айтиб ўтган. Мазкур чора – тадбирларни амалга ошириш аҳоли фаровонлиги ва яшаш сифатини оширишга олиб келади. Яшил иқтисодиёт инсонларни соф экологик хизматлар ва маҳсулотлардан фойдаланишига ёрдам беради [1].

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларни молиявий маблағларсиз амалга ошириш мумкин эмаслиги туфайли алоҳида “Яшил” молиялаштириш тизимини яратиш зарурати пайдо бўлди. Шу сабали Буневич К.Г. ва Горбачева Т.А. ўзларининг тадқиқотларида “Яшил молия”, Яшил инвестициялаш” тушунчаларини илгари сурдилар. Янги “Яшил” молиявий воситалар нафақат улардан фойдаланишдан иқтисодий фойда олиш, балки атроф-муҳит ва иқлим муаммоларини ҳал қилиш ва уни муҳофаза қилиш учун мўлжалланган, деган фикрни келтиришган [2].

Zhang D. ва бошқаларнинг тадқиқотларида яшил иқтисодий самарадорлик, Дурбин модели, яшил иқтисодиётда тоза энергиянинг роли, яшил иқтисодиёт кўрсаткичлари таҳлил қилинган [3].

Мамлакатимиз олимлари томонидан ҳам мазкур масала атрофлича ўрганилган бўлиб, “Яшил иқтисодиёт”нинг энергетика соҳасига йўналтирилган инвестицияларининг жаҳондаги ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган ва ривожланиш

тенденциялари З.Нуров тадқиқотларида ўз аксини топган [4].

Т.К.Иминов, А.В.Ваҳобов, Т.З.Тешабоев, М.Т.Бўтабоевларнинг тадқиқотларида “Яшил” иқтисодиётга ўтишнинг хорижий тажрибалари, sanoatни ривожлантиришда иқтисодий-экологик муаммолар каби масалалари атрофлича ўрганилган [5].

Шунинг билан қайта тикланадиган энергия манбаларини ишлаб чиқариш, углерод чиқиндиларини камайтириш, энержия тежамкорлигини таъминлаш, бу борада халқаро миқёсда эришилган натижаларга таяниш масалаларини ўрганиш хануз муҳим илмий ахамиятга эга, тадқиқотларни амалга ишириш борасидаги илмий ёндашувлар эса маълум методологик ахамият касб этади.

Таҳлил ва натижалар.

Яшил иқтисодиёт тушунчаси XX-аср охирида пайдо бўлиб, иқтисодиётда инсон иқтисодий фаолиятининг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш зарурлигини таъкидлайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам иқтисодий ўсишга эмас, балки барқарор ривожланишга эътибор қаратадиган тенденция. муҳит. Ушбу тенденция тарафдорлари иқтисодиёт ўзи мавжуд бўлган ва унинг бир қисми бўлган табиий муҳитнинг боғлиқ таркибий қисми деб ҳисоблашади.

“Яшил” иқтисодиётнинг муҳим хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- табиий ресурслардан самарали фойдаланиш;
- табиий капитални сақлаш ва бойитиш;

1-жадвал. Иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг энергия сиғимкорлиги (Дж/\$)¹

Мамлакат	Йиллар							Энергия сиғимкорлигининг пасайиш тенденцияси %		
	2005	2007	2009	2010	2015	2025	2035	2015 2005	2025 2015	2025 2025
Россия	17,06	16,64	12,97	11,32	10,08	9,01	7,89	169,25	111,88	114,20
Канада	14,63	14,27	13,47	11,95	11,03	10,18	9,43	132,64	108,35	107,95
Жанцбий Корея	13,43	13,27	10,31	8,55	7,76	7,14	9,28	173,07	108,68	76,94
АҚШ	10,06	9,92	8,49	7,58	6,74	5,97	5,37	149,26	112,90	111,17
Австралия ва Янги Зеландия	9,61	9,59	8,80	7,85	6,97	6,20	5,50	137,88	112,42	112,73
Хитой	7,47	8,14	6,58	5,48	4,65	3,99	3,46	160,65	116,54	115,32
Европа Иттифоқи	7,73	7,68	6,75	6,00	5,26	4,70	4,20	146,96	111,91	111,90
Япония	7,12	7,09	6,41	6,01	5,75	5,53	5,32	123,83	103,98	103,95
Мексика	7,03	6,85	6,78	6,16	5,58	4,97	4,44	125,99	112,27	111,94
Бразилия	6,66	6,64	6,51	5,59	5,10	4,68	6,09	130,59	108,97	76,85
Хиндистон	4,42	4,36	3,33	2,94	2,57	2,24	1,92	171,98	114,73	116,67

– атроф-муҳит ифлосланишини ҳимоя қилиш;

– кам углерод чиқарувчи иқтисодиётга эришиш;

– чиқиндиларни қайта ишлаш ва маҳсулотга айлантириш;

– экотизим хизматлари ва биологик хилма хилликни сақлаб қолиш;

– даромад ва бандликни таъминлаш;

– иқтисодиётда энергия самарадорлигига эришиш, қайта тикланувчи энергия манбаларини тўла истъеомол қилишга ўтиш.

Саноат тармоқларида “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва энергия тежамкорлигини таъминлаш Концепциясида саноат тармоқларида 3,9 миллиард куб метр табиий газ, 4 миллиард кВт/соат электр энергияси ва 21 минг тонна нефть маҳсулотларини тежаш орқали энергия сиғимини 20 фоизга, шу жумладан 2022 йилда 5 фоизга камайтириш каби вазифалар белгиланди.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳар йили атроф-муҳит омилларидан фақат биттаси - ҳавонинг ифлосланиши сайёрамиздаги 4,5 миллион одамнинг бевафт ўлимига сабабдир. Глобал иқтисодиётда тахминан 2,7 миллиард евро миқдоридagi зарар етди.

Электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, арзон электр энергияси билан

таъминлаш ва ифлосланиш даражасини пасайтириш энергетика соҳасидаги (ривожланаётган давлатлар олдида турган) муаммолардан биридир. 2012 йилда дунё бўйлаб 1,285 миллиард киши электрэнергиядан фойдалана олмади, уларни электр энергия билан таъминлаш масаласи жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. 2040 йилда электр энергиясига глобал талаб 40104 ГВт/соатни ташкил қилиши кутилмоқда, бу 2012 йилга нисбатан қарийб 1,8 баробар кўпдир. Углеродли чиқимларни ушлаб қолиш, сақлаш, ишлатиш имкониятини берадиган “тоза кўмир” технологияларидан фойдаланишга ўтиш “декорбанизация”га олиб келади.

Бу ҳолатда CO₂ чиқиндиларини 2-3 километр чуқурликда геологик эритма сифатида сақлаш катта фойда беради, лекин бу катта молиявий сармоя талаб қилади. Агар башорат қилинган энергия истеъмоли давом этса, 2040 йилга келиб йиллик CO₂ заҳарли чиқиндилари 40 Гт атрофида кўпаяди. CO₂ чиқиндиларининг бу суратда ортиши натижасида ернинг ўртача ҳарорати 3,6 °C дан 5,3 °C гача кўтарилади.


Қуйидаги диаграммада минтақалар миқёсида аҳоли жон бошига истёмоладан қилинаётган энергия сарфи ва мамлакатимиз маълумотларини кўриш мумкин.

Юқоридаги график маълумотларидан хулоса қилиб айтиш мумкинки энергия истемоли шимоллий Америка минтақасида энг юқори бўлиб (2020-йилда 216.8 Дж), қуйи кўрсаткичлар Африка минтақасига (2020-йилда 13.9 Дж) тўғри келган.

¹ Буневич К.Г., Горбачева Т.А. (2022). «Зеленые» тенденции в развитии мировой финансовой системы. Вестник Московского университета имени СЮ Витте. Серия 1: Экономика и управление, (1 (40)), 52-60.

1-диаграмма. Дунё мамлакатлари ва Ўзбекистоннинг аҳоли жон бошига энергия сарфи¹ (Дж).

Аҳоли жон бошига энергия истеъмоли (Gigajoul)



Ўзбекистонда эса мазкур кўрсаткич 2020- йилда 56 Дж ни ташкил қилиб, умумий ҳолатда озроқ пасаявчи тенденцияни қайд этган.

Бинобарин, Ўзбекистон ҳам энергия ишлаб чиқариш ва фойдаланиш усуллари ўзгартириши керак. Сўнгги 10 йил ичида мамлакат бўйлаб кенг қўллашда пилот лойиҳалари ишлаб чиқилиши лозим.

“Яшил” иқтисодиётнинг кенг тарқалган концепциясидан яна бири бу паст углеродли иқтисодиёт. Кам углеродли ривожланиш мақсади атмосферага иссиқхона газлари чиқиндиларини чиқаришни камайтиришдир. Кўпгина хорижий олимларнинг фикрларига кўра, бу иссиқхона газлар чиқиндиларининг камайиши глобал иқлим тизимининг барқарорлашишига олиб келади. Ушбу мақсадга эришишнинг бир йўли энергиядан фойдаланиш самарадорлигини оширишдир. CO₂ эмиссиясининг асосий манбаи - қазиб олинган кўмир, нефть, газдан фойдаланишдир. Ҳозирда кўпгина мамлакатлар ва халқаро корпорациялар иссиқхона газлари чиқиндиларини муҳим манбаи бўлган кўмрдан фойдаланишни камайтирмоқда. Қуйидаги диаграмма орқали дунёдаги CO₂ эмиссиясини кўришимиз мумкин.

Углерод оксиди CO₂ нинг атмосферага чиқарилиши бўйича рейтингда Хитой биринчи ўринни 28%, иккинчи ўринни АҚШ 15%, учинчи ўринни Ҳиндистон 7%, Германия олтинчи ўринни (Европада биринчи ўринни) 2%, Бразилия (Жанубий Америкада) углерод оксиди CO₂ газни асосий ишлаб чиқарувчиси) 1% ни ва Австралия 1% ни эгаллайди.

Ўзбекистонда ҳам CO₂ эмиссиясини тартибга солиши катта аҳамиятга эга ва уларнинг қуйидаги йўналишларини келтириш мумкин:

1. Ўзбекистон шароитидан келиб чиқиб, яшил энергия бозорини шакллантириши лозим қонунлар ва тизимни тартибга солиш.


2. Ҳукумат яшил технология ва яшил бизнесга сармоя киритиши лозим. Ўзбекистон углерод индексини, углерод стандартларини ишлаб чиқиши лозим.

3. Ҳукумат энергия ва углерод биржаларини ташкил қилиш, уларнинг самарадорлигини ошириш чора тадбирларини ишлаб чиқиши лозим.

4. Ҳукумат яшил ўсишни таъминлаш учун солиқ ва молия тизимини ислоҳ қилиши зарур.

5. Ҳукумат яшил ўсишни қўллаб-қувватлаш учун ҳокимиятлар, компаниялар, фуқаролик институтлари ва бизнес билан ҳамкорлик қилиш тизимини такомиллаштириши зарур.

¹ bp Statistical Review of World Energy 2021 маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

2-диаграмма. Дунё бўйича CO₂ эмиссияси¹.CO₂ ЭМИССИЯСИ (МИЛЛИОН ТОННА)

6. Ҳукумат глобал яшил ўсиш тенденциясини ўрганиши ва яшил миллий сиёсатга ўтиши керак.

7. Экологик талаблар инвестицияси бухгалтерия ҳисоби тартибига киритилиши керак.

8. Иқлим ўзгариши, глобал исиш дастури 190 та давлатни қамраб олган бўлиб, бу дастурнинг ижросини Ўзбекистонда янада фаоллаштириш зарур.

9. Ўзбекистонда иссиқхона газлари савдосининг миллий тизимини яратиш, шунингдек миллий углерод индексини, углерод қийматини ва бозорини ҳам ташкил қилиши лозим.

“Яшил иқтисодиёт” олдида турган қатор экологик муаммолар иқлим ўзгаришлари, ерларнинг табиий ҳосилдорлигининг пасайиб кетиши, био ҳилмахилликнинг камайиб бориши, табиий капитал захираларнинг тугаб бориши, камбағалликнинг кўпайиб бориши, ичимлик сув танқислиги, ифлосланиши, озиқ-овқат инқирози, энергия муаммоси, даромадларни тақсимлашдаги тенгсизликнинг кучайиши каби муаммолар ўз ечимини кутмоқда.

Бу масалаларни ечишда “Яшил иқтисодиёт” тармоқларига “яшил” инвестицияларни, “яшил” акцияларни, “яшил” кредитларни жорий қилиш борасида табиий капитал, жисмоний капитал ва

инсон капиталини самарадорлигини кескин оширишга эришиш кўзда тутилади.

Хулоса ва таклифлар.

Яшил иқтисодиётнинг оқибат натижаси – қашшоқликка барҳам бериш, тенгликка эришиш, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан бирга, инвестицияларни жалб қилиш, янги иш ўринларини яратиш ва янги бозорларга чиқиш имкониятларини ошириш ҳисобланади. Ривожланган мамалкатлар “яшил” иқтисодиётга ўтиш – саноати ривожланган мамалкатларда истеъмол ва ишлаб чиқариш моделларини ўзгартириш, шунингдек, қашшоқ иқтисодиётга қарши курашни англантиши керак, деб ҳисоблайди.

Иқтисодиётни модернизация қилиш, ресурслар ва маблағларни рақобатбардош технологияларнинг устувор инновацион лойиҳаларига жамлаш, иқтисодий ўсишнинг анъанавий моделдан “яшил”га ўтишни аниқ тушунган ҳолда, етарлича муваффақиятларни қўлга киритаётган Европа Иттифоқи тажрибасини ўрганиш муҳим. Барқарор ривожланишга ўтиш ва “яшил” иқтисодиётга ўтишни рағбатлантириш даврида ўзгартириш ва ҳаракатланиш механизмларини таҳлил қилиш Европа тажрибасининг мамлакатимиз учун аниқса аҳамиятли бўлган томонларини аниқлашга имкон беради, бу тажрибалар-

¹ bp Statistical Review of World Energy 2021 маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

дан эса ички иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнида фойдаланилади.

Ўзбекистон “яшил” иқтисодиётга ўтишни ва “яшил” ўсишни таъминлашда ўз олдига қўйган мақсадларга эришиш учун қуйидаги мақсадларни амалга ошириши лозим:

- Табиий ресурслардан барқарор ва самарали фойдаланиш;
- Миллий иқтисодиётнинг табиий офатлар ва иқлим ўзгаришига нисбатан барқарорлигини мустаҳкамлаш;
- Миллий иқтисодиёт, хусусан саноатнинг «яшил» ва кам углеродли ривожланишини таъминлаш;
- Инновацияларни жорий этиш ва самарали «яшил» инвестицияларни жалб қилиш;
- Барқарор ва инклюзив «яшил» урбанизацияни ривожлантириш;
- «Яшил» иқтисодиётга ўтиш даврида катта таъсир кучига эга бўлган аҳоли қатламларини ва уларнинг яшаш жойларини қўллаб-қувватлаш;
- «Яшил» ўсиш бўйича салоҳиятни ошириш ва инсон капиталини ривожлантириш;
- «Яшил» иқтисодиётга ўтиш учун қулай сиёсий муҳит яратиш, самарали институтларни жорий қилиш;
- Ташқи ва ички «яшил» молиялаштириш оқимларини кўпайтириш.

Шуни айтиш керакки, ҳар бир мамлакат ўз иқтисодий, табиий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш имкониятларидан келиб чиқиб ўз “яшил” иқтисодиётини яратади, чунки ҳозиргача универсал “яшил” иқтисодиёт модели мавжуд эмас. Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилиш, инновацион тармоқларни ривожлантириш

шароитида “яшил” иқтисодиётнинг ўрнини юқори баҳолаш мумкин. Чунки, Ўзбекистонда “Яшил” иқтисодиётга ўтиш имкониятлари катта эканлиги, табиий ресурсларга бойлиги, атроф-муҳитга зарар келтирмайдиган ишлаб – чиқаришни ташкил этиш ва шу билан бирга чексиз қуёш энергия манбаи борлигини айтиш мумкин.

Республикаимизнинг қуёш энергияси бўйича ялпи салоҳияти 50973 миллион тонна нефть эквивалентига тенг бўлса, шамол энергиясининг ялпи салоҳияти 2,2 млн. тонна нефть эквивалентга тенг деб баҳоланмоқда.

Маълумки, сўнгги йилларда юртимизда яшил энергетикани ривожлантириш, хусусан, қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда ўтган қисқа 3 йил ичида қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш бўйича 10 та битим имзоланди.

Таъкидлаш керакки, 2021 йилнинг август ойида Навоий вилоятининг Кармана туманида биринчи 100 МВт қувватли қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилди.

Ишлаб чиқариш, муҳандислик ва ижтимоий инфратузилманинг кўп энергия сарфлайдиган ускуна ва қурилмаларини модернизация қилиш ва янги технологияларни жорий этиш бўйича кўп йиллик тизимли тадбирларни бажариш энергия самарадорлигини ошириш, шунингдек, энергия тежамкорлигига эришишнинг асосий механизми ҳисобланади. Мазкур масалаларнинг ечимлари Саноат тармоқларида «яшил» иқтисодиётга ўтиш ва энергия тежамкорлигини таъминлаш концепциясида белгилаб берилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Гурьева, М.А. & Наймушина Д.В. (2015). «Зеленая экономика» в России. Теория и практика общественного развития, (7), 58-59.
2. Буневич, К. Г., & Горбачева, Т. А. (2022). «ЗЕЛЕНЫЕ» ТЕНДЕНЦИИ В РАЗВИТИИ МИРОВОЙ ФИНАНСОВОЙ СИСТЕМЫ. Вестник Московского университета имени СЮ Витте. Серия 1: Экономика и управление, (1 (40)), 52-60.
3. Zhang, D., Mohsin, M., Rasheed, A. K., Chang, Y., Taghizadeh-Hesary, F. (2021). Public spending and green economic growth in BRI region: mediating role of green finance. Energy Policy, 153, 112256.
4. Нуров, З., Ражабова, М. Х. (2022). «ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ» ДА ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ. Central Asian Academic Journal of Scientific Research, 2(5), 781-787.
5. Иминов Т.К., Ваҳобов А.В., Тешабоев Т.З., Бўтабоев М.Т. (2019). «Зелёная экономика» как основа устойчивого развития. Монография. -Т: «Алоқачи», 480.